



2020 у. г. «17» октабр

№ 605-к

Toyoq sh. – г. Тайляк

**Туман ҳокимлиги заҳира ерлари
хисобидан Тепақишлоқ маҳалла
фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро
Каримова Феруза бошлиқ фермер
хўжалик ташкил қилиш ҳамда ер
майдони ажратиш ҳақида.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30-октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган низом, Адлия вазирлигидан 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олинган ер майдонлари бўйича фермер хўжаликлари ташкил қилиш учун танлов ўтказиш комиссиясининг 2020 йил боктябрдаги 3-сонли йиғилиш баённомасига мувофиқ “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги заҳирасига олинган ер майдонларида танлов асосида фермер хўжаликлари ташкил этиш комиссияси томонидан ўтказилган танлов қарорига асосан танловда ғолиб деб эълон қилинган Тепақишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Каримова Ферузага ғаллачилик, сабзавотчилик, пиллачилик йўналишида янгидан ташкил этилаётган фермер хўжалигига Тепақишлоқ массиви ердан фойдаланиш харитасининг 611қ, 610, 609, 608, 607, 606, 630қ, 631қ, 652, 755қ, 756қ, 757қ, 410қ-контурларидан жами 18.69 гектар шундан 7.20 гектар сугориб хайдаладиган, 4.19 гектар боғзор, 4.90 гектар узумзор, 1.50 гектар тутзор, 0.70 гектар ариқ ва зовурлар, 0.20 гектар йўллардан иборат ер майдони 37 (ўттиз етти) йил муддатга ижарага берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинким, келажакда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида давлат эҳтиёжи учун манзилли дастурларни ижросини таъминлаш белгилангандан узоқ муддатли ижара шартномасига тегишли ўзгартириш киритилиши кўрсатиб ўтилсин.

3. Туман Давлат хизматлари маркази (З. Нуриддинов)га фермер хўжалик Низомини қонунда белгилангандан тартибда рўйхатга олиш ва бу ҳақида тегишли ташкилотларга маълумот бериш топширилсин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ж.Ҳайитов), Тепақишлоқ маҳалла фуқаролар йигинида яшовчи фуқаро Каримова Феруза бошлиқ фермер хўжалигига ер майдонини ажратиб бериш, фермер хўжалигига тегишли хужжатлар расмийлаштириш ва уни фаолиятини, ажратилган ер участкасидан тўғри мақсадда фойдаланишни назорат қилиб бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 53-моддасида кўрсатилган талабларни бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Туман Давлат солик инспекцияси бошлиғи (Ш.Шарипов) фуқаро Каримова Феруза бошлиқ фермер хўжалигига бюджет билан бўлган ҳисоб китобларни белгилаб бериш ва қонунда белгиланган тартибда солик ундирилишини назоратга олиш юклатилсин.

6. Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман хокими

Б.Бабоназаров

